

Улар ажр ва савобда сизларга шерикдир

16:28 / 02.10.2017 2542

Абу Абдуллоҳ Жобир ибн Абдуллоҳ ал-Ансорий разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ғазотларнинг бирида эдик. Шунда у зот: **“Мадинада бир қанча одамлар қолдиларки, қайси ердан юрсангизлар ёки қайси водийдан кесиб ўтсангизлар, улар сизлар билан биргадирлар. Уларни** (бу ерга сизлар билан бирга келишдан) **беморликлари тўхтатиб қўйди холос”**, дедилар”.

Бошқа бир ривоятда эса: **“Улар ажр ва савобда сизларга шерикдир”**, дейилади. Имом Муслим ривоятлари.

Имом Бухорий Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

“Биз Табук ғазотидан Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга қайтиб келаётган эдик. У зот: **“Мадинада** (биз билан бирга кела олмай) **ортда қолган бир қанча кишилар бор. Бирор дара ёки водийдан ўтсак, улар ҳам биз билан бирга бўлурлар. Уларни** (биз билан ғазотга чиқишдан) **узрларигина тўхтатиб қўйган, холос”**, дедилар”.